



Глобаллашув шароитида табий монопол ташкилотлар фаолиятини давлат

томонидан тартибга солишнинг институционал хусусиятлари

**Институциональные особенности государственного регулирования деятельности**

**организаций естественных монополий в условиях глобализации**

**Institutional features of state regulation of the activities of natural monopoly organizations**

**in the conditions of globalization**

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, докторанти

и.ф.н., доцент Сайдов Машъал Самадович

Ташкентский государственный экономический университет,

к.э.н., доцент Сайдов Машъал Самадович

Tashkent State University of Economics,

PhD (in economics), dotsent Saidov Mashal

**Аннотация.** Уибубу мақолада глобаллашув шароитида табий монопол ташкилотлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг институционал хусусиятлари тадқиқ этилган. Табий монополияларнинг келиб чиқиши манбаига кўра институционал монополия ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги таъсири кўрсатилган. Бозорда рақобат муҳитини шакллантиришининг институционал жиҳатларини такомиллаштириши бўйича тақлиф ва тавсиялар берилган.

**Калим сўзлар:** монополия, табий монополия, “Бозор нуқсонлари”, картель келишувлар, тартибга солиши, нарх белгиласи, электр энергетика, электр энегиясини ишилаб чиқариши, тариф сиёсати, тариф усуллари, нархларни ошириши чегараси.

**Аннотация.** В данной статье исследуются институциональные особенности государственного регулирования деятельности организаций естественных монополий в условиях глобализации. В соответствии с источником происхождения естественных монополий указаны институциональные монополии и их влияние на предпринимательскую деятельность. Были внесены предложения и рекомендации по совершенствованию институциональных аспектов формирования конкурентной среды на рынке.

**Ключевые слова:** монополия, естественная монополия, “дефекты рынка”, картельные соглашения, регулирование, ценообразование, электроэнергия, производство электроэнергии, тарифная политика, тарифные методы, предел повышения цен.

**Annotation.** In this article, the institutional features of the state regulation of the activities of natural monopoly organizations in the conditions of globalisation are studied. According to the source of the origin of natural monopolies, institutional monopoly and their influence in entrepreneurial activity are indicated. Proposals and recommendations were made to improve the institutional aspects of the formation of a competitive environment in the market.



**Keywords:** monopoly, natural monopoly, "market defects", cartel agreements, regulation, price setting, electricity, electricity generation, tariff policy, tariff methods, limit of raising prices.

Иқтисодиётни глобаллашув шароитида ҳар бир тармоқ ва соҳалар ривожланиши учун эркин рақобат муҳити шакллантириш, иқтисодий ўсишли таъминлаш, рақобатбардошлини ошириш, иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларини чукурлаштириш, инвестицияларни соҳа ва тармоқларга жалб қилиш учун, кулай шарт-шароитлар яратиш каби кенг кўламли ишларни амалга оширишда давлатнинг ўрни муҳим ҳисобланади. Мундазам равища, соҳадаги монопол ҳолатларни тартибга солиш ва бошқариш, табиий монополияларни камайтириш, уларни қайта таркиблаш (реструктуризациялаш) ишларини олиб борища давлат бош ислоҳотчи вазифасини бажаради.

Табиий монополиялар фаолиятини тартибга солишнинг, назарий жиҳатларини иқтисодчилар олимлар томонидан камдан - кам ҳолларда мунозараларга келишади. Амалда эса, табиий монополия соҳаларини тартибга солиша турли давлатларда, турлича ёндашувларга асосланишади.

Биринчидан, табиий монополиялар - мамлакатлар ўртасида турли технологик ривожланиш ва ташкилотнинг оқилона ҳажмига нисбатан талаб миқдори туфайли табиий монополия белгисига эга бўлган соҳалар, айтайлик, ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган кичик мамлакатлар ва йирик индустрисал мамлакатлар ўртасида фарқланиши мумкинлиги аниқ бўлади.

Иккинчидан, у ёки бу соҳани табиий монополияларга ҳуқуқий жиҳатдан киритиш, Гарб мамлакатларида қандайдир амалий аҳамият касб этмайди. Табиий монополиялар тўғрисидаги конунлар ва уларни тартибга солиш бу мамлакатларда мавжуд эмас.

Монополияларнинг келиб чиқиши манбаига кўра институционал монополия ва тадбиркорлик асосидаги монополияларни фарқлаш лозим. Институционал монополиялар турли институтлар томонидан вужудга келиб, бозор иштирокчилари учун рақобатнинг тенг бўлмаган шароитларини сунъий тарзда хосил қилиши орқали намоён бўлади. Тадбиркорликка асосланган монополия эса бозор ҳукмронлигига, яъни маҳсулот таклифи ва талабини тартибга солиши орқали унинг нархини назорат қилишга интилади[1].

Монополияларни тартибга солиш – бу давлатнинг алоҳида ишлаб чиқарувчилари томонидан у ёки бу турдаги маҳсулотни монополлашиб олиш ҳаракатларини олдини олишга йўналтирилган ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш фаолиятидир[2].

Табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш қўйидаги усусларда амалга оширилади [3]:




-нархларни (тарифларни) ёки уларнинг энг юқори (энг паст) даражасини белгилаш (ўрнатиш) воситасида нархларни тартибга солиш;

-хизмат кўрсатилиши шарт бўлган истеъмолчиларни аниқлаш ва (ёки) уларни табиий монополия субъектлари реализация қиласидан, товар билан тўлиқ ҳажмда қондиришнинг имкони бўлмаган тақдирда, таъминлашнинг энг кам даражасини белгилаш.

Табиий монополия соҳаларида ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш учун қонун хужжатларига мувофиқ бошқа усувлар ҳам қўлланиши мумкин.

Табиий монополия соҳаларида, фаолият юритувчи ташкилотлар ҳатти харакати натижасида, бозорда рақобат муҳити бузилади. Яъни, бунинг натижасида «Бозор нуқсонлари» тушунчаси пайдо бўлади. «Бозор нуқсонлари»нинг қуйидаги турлари тартибга солишини иқтисодий асосда киритишни объектив заруриятга айлантиради (1 - расм).




**1 - расм. Табиий монополияларни давлат томонидан тартибга солиш сабаблари**

**Манба:** Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Давлат томонидан тартибга солишнинг қуйидаги шакллари кўпроқ тарқалган: таркибий тартибга солиш қандай ташкилотларга маълум фаолият турларида иштирок этиш хукуқи берилишини, ёки қандай ташкилотларга бундай мажбурият юклатилишини билдиради; янги инфратузилмаларни яратишга бўлган эҳтиёжларни белгилайди; тақсимотни юритишга концессиялар (лицензиялар)ни тақсимлайди ва бошқалар; хулқ - атворни тартибга солиш (баъзида уни нархли тартибга солиш деб ҳам аташади) тўғридан - тўғри нарх ёки тарифлар белгилаш орқали ёки билвосита - солиқ ва субсидия сиёсати орқали амалга оширилади.



Тартибга солиши мақсадлари ва тартибга солиши шаклларини умумлаштирган ҳолда табиий монопол ташкилотлар фаолиятини тартибга солиши тизими ишлаб чиқилди (2-расм).



## 2-расм. Табиий монопол ташкилотлар фаолиятини тартибга солиши тизими

Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

2-расмда, табиий монопол ташкилотлар фаолиятини тартибга солиши тизими ишлаб чиқилди. Тартибга солиши мақсадига кўра, иқтисодий самадорлик, бошқарув самарадорлиги, таркибий ислоҳотлар олиб бориш, ижтимоий адолат ва атроф муҳит муҳофазаси кўрсатиб ўтилган. Тартибга солиши шакллари бўйича – иқтисодий, таркибий ва хуқуқий шаклларга ажратилган.



Табиий монополиялар, давлат томонидан маҳсус тартибга солишга муҳтожлик сезади. Уларда давлат маъмурий усуулар билан иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида эса «Табиий» йўл билан - рақобат механизми таъсирида уларнинг ҳиссаси нуқтаи назаридан, мажбурий равишда жамият фаровонлиги борасидаги кўзланган натижаларга эришади.

Табиий монопол ташкилотлар фаолиятини тартибга солишида, у ёки бошқа моделининг ўзаро фарқланадиган тизим унсурлари мавжуд. Табиий монопол ташкилотлар фаолиятини тартибга солиш учун, турли воситалардан фойдаланиш мумкин бўлиб, улар шартли равишда қуидаги уч гурухга бўлинади:

1. Табиий монополия субъектлари маҳсулотларига бевосита нарх ва тариф белгилаш.
2. Даромадлилик ва нархлар ўсишининг чекланган миқдорини белгилаш орқали нарх ва тарифларни билвосита тартибга солиши.
3. Табиий монополия шароитида, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқларини бериш учун рақобат механизмларидан фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикасида самарали рақобат муҳитини яратиш учун қуидаги чора-тадбирларини амалга ошириш талаб этилади:

- иқтисодиётда, давлат монополиясининг барча ҳолат ва турларини максимал даражада бартараф этиш, бунинг учун тадбиркорликни ривожлантиришга ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган, чукур институционал ислоҳот зарур;

-бозорда, етакчи мавқега эга бўлган монопол ташкилотлар томонидан ёмонликлар (камситишлилар, якка ҳолда бозорни эгаллаш)ни тугатиш.

Ўзбекистон Республикасининг антимонопол қонунчилиги, дунёning ривожланган мамлакатларидаги каби қуидаги воситалар ёрдамида рақобатни тартибга солади:

-етакчи аҳволдан ёмонлик йўлида фойдаланилишига таъсир кўрсатиш;  
-ракобатни чеклашга қаратилган келишилган ҳаракатларга йўл қўймаслик ва назорат қилиш;  
-иктисодий концентрацияни тартибга солиши.

Дунё иқтисодиёти жиддат билан ривожланиб бормоқда, бугун ҳар қандай давлат дунё иқтисодиёти билан бирга ривожланмаса ёки ўзининг иқтисодий мазмундаги Қонунларини қайта кўриб чиқиб такомиллаштириб бормаса, иқтисодий жиҳатдан орқада қолиши ёки халқаро иқтисодий муносабатлар олиб бориша катта муаммолар ва тўсиқларга дуч келиши мумкин.

Қонун ҳужжатларини рақобатга таъсири нималарда кўринади:

- фаолиятнинг бирор бир соҳасида, янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишга чекловлар жорий этилиши;



- шартномалар тузишда устунлик бериш, сотиб олувчиларнинг муайян доирасига товарларни биринчи навбатда реализация қилиш, молиявий маблағларнинг манбаларини танлаш ва улардан фойдаланиш йўналишларининг афзалиги тўғрисида хўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар берилиши;

- айрим хўжалик юритувчи субъектларга, уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда берилиши;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиниши;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралashiши;

- ўз вазифаларини хўжалик юритувчи субъектларнинг вазифалари билан қўшиб бажариши;

-айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланади.

Табиий монополияларни тартибга солиш ва бошқариш бўйича, амалдаги меъёрий – хуқуқий хужжатларни иқтисодий - хуқуқий жиҳатларини таҳлил қилиш орқали, қонунчиликдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни кўрсатиб ўтиш ҳамда уларни бартараф этиш ва такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш. Умумлашган ҳолда уларни қуидаги тарзда ифодалаш мумкин:

-қонун меъёрлари ва улар ўртасидаги зиддиятларга турлича туртки беришни истисно этиш, унинг амалий йўналтирилганлиги ва уйғунлашувини ўстириш мақсадида, табиий монополиялар қонунчилигини қайта кўриб чиқиши ҳамда республика қонунчилигининг бошқа бўлимлари билан келишувчанлигига эришиш;

-қонунчиликка харидорларнинг етакчилик ҳолатини ҳамда улардан ёмон мақсадларда фойдаланиш учун масъулиятли тадбирларни аниқлашни киритиш;

-ракобат сиёсати асосий тамойилини ўзгартириш – монопол ташкилотлар фаолиятини қаттиқ тартибга солишдан, уларнинг антирақобат феъл-атвори учун жазолашга ўтиш. Бундан, ташкилотнинг бозордаги етакчи аҳволи, қонунчиликнинг бузилиши ҳисобланмаслиги келиб чиқади. Баъзида эса ташкилотнинг самарали ишлашидан гувоҳлик беради ва унинг ташқи бозордаги ракобатбардошлигининг муҳим шарт-шароити ҳисобланади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Костусев А.А. Конкурентная политика в Украине: Монография. -К.: КНЕУ, 2004 й.  
21 б.



2. Райзберк Б.А., Лозовский Л.Ш. Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. -6-е изд. перераб. и доп. -М.: ИНФРА-М, 2010. -479 с.
3. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 август N 815-И «Табиий монополиялар тўғрисида (янги таҳрири)»ги Конун. <https://lex.uz/docs/79391>